*Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт*

# БЕМИННАТ ХИЗМАТ

«Сирдарё» жамоа корхонаси Сергелининг хушманзара жойига ўрнашганлиги ва аҳоли учун барча шароитлар муҳайё этилганлигига қарамасдан мижозлар сони кундан кунга камайиб борди. Нима қилиш керак? Қандай қилиб савдо-сотиқни яхшилаш мумкин? Мана шу каби саволлар корхона мутасаддиларининг бошини қотира бошлади. Хуллас, улар ўйлай-ўйлай ҳиссадорлик жамияти таркибида иш кўришни маъқул деб топишди. Фирма раҳбарлари ҳам корхона жамоасининг бу ташаббусини бажонидил қўллаб-қувватлашди.

Янгилик, корхонани қайта қуришдан бошланди. Бир йўла учта цех ишга туширилди. Улар салқин ичимликлар, нонвойхона, қандолатчилик цехларидир. Корхона биносининг биринчи қаватидан 100 ўринли ошхона, сомсахона ўрин олди. Иккинчи қаватга эса 250 ўринли тўйхона, ёшлар диско бари жойлаштирилди. Айниқса тўйхона сергелиликлар учун айни муддао бўлди. Чунки туманда қишлиқировли кунларда тўй ўтказадиган тузук-қуруқ жой йўқ эди. Аҳоли ҳамиша шундай кошона қурилишини орзу қилиб келарди.

— Ҳозир деярли ҳар куни тўйхонамиз банд бўляпти. Одамлар ўзларининг бирор бир маросимларини ўтказиш учун олдиндан келиб навбатга ёзилиб қўйишади. Нархлар ҳам холисанилло белгиланган. Унчалик қиммат эмас, — дейди жамият бошқаруви раиси Абдунаби Раҳимов. — Цехларимиз ҳам тўлиқ қувват билан ишлаб турибди. Масалан, биргина нонвойхонамизни олайлик. Бу ерда бир кунда 600-700 дона нон тайёрланади. Нонвойхона ҳам буюртма асосида ишлайди. Нонвойларимиз патирдан тортиб, исталган турдаги нон маҳсулотларини айтилган вақтга муҳайё қилиб беришади.

Яқинда корхонада кўп сонли ташрифчиларнинг талаб ва истакларига биноан чойхона қуриб, ишга туширилди. Шу муносабат билан усти соябонлар билан беркитилган очиқ ҳовлида юз ўринли миллий таомлар тайёрланадиган ошхона иш бошлади. Мажнунтоллар остида, атрофи жажжи фавворалар билан ўралган ушбу ошхона ҳамиша хўрандалар билан гавжум бўляпти.

— Бозор иқтисодиёти ҳар биримиздан ишбилармонлик ва тадбиркорликни талаб қилмоқда, — дейди бригада бошлиғи Ниғмат Толипов. — Шунга қараб иш юритмасак оқсаб қолишимиз ҳеч гап эмас. Буни биргина мисолини мана ўзимизда синаб кўряпмиз.

Чиндан ҳам янгилик шарофати туфайли корхона олға томон дадил бормоқда. Буни корхонанинг ойлик ва кундалик даромадидан ҳам билса бўлади. Хизматчилар ҳам шунга яраша маош олишмоқда.

— Май ойида 2 минг сўм маош олдим, — дейди хизматчи Оқил Маҳаматов. — Бу олдингисидан анча кўпдир. Агар бу ҳисобга ҳар чорак сайин олаётган дивидендларимизни қўшадиган бўлсак, бу миқдор янада ортади.

— Келгуси режаларимиз ҳам анчагина. Хорижликлар билан бир нечта қўшма корхоналар очиш ниятимиз бор, — дейди бизга Абдунаби Раҳимов.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

# ҲАЛҚ БАНКИ БЎЛИМИ



У Ҳамза туманида очилди. «Ўзбекқоғоз» акциядорлик жамияти бўлим учун қулай бино қуриб берди. Бу туманда сўнгги вақтда очилган Халқ банкининг тўртинчи янги бўлимидир. Туман ҳокимлиги янги бўлимлар очиш учун яна йигирмата бино тайёрлаб қўйган.

Банк бўлими очилиши маросимида сўзга чиққан Ҳамза тумани ҳокими Раҳматилла Муҳаммадхўжаев ва Халқ банки Тошкент шаҳри бошқармаси бошқарувчиси Адҳам Ҳайдаров республикамизда ҳукуматнинг Халқ банки шохобчаларини кенгайтириш тўғрисидаги қарори изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Пойтахтда қисқа вақт ичида банкнинг янги 70 та бўлими очилди. Ҳозир уларнинг умумий сони 250 тадан ортган.

Шуниси эътиборга моликки, шаҳар корхона ва ташкилотлари банк шохобчаларини кенгайтиришда катта амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Янги бўлим учун бино қуриб берган «Ўзбекқоғоз» акциядорлик жамияти раҳбарияти ташаббусини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бу ерда банк муассасаси ходимлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Бўлимнинг очилиши Халқ банкини қоғоз ишлаб чиқарувчиларга яқинлаштирди. Энди улар бу ердан ўз иш ҳақларини олиш, пул жамғариш, турли тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

*СУРАТЛАРДА: Халқ банкининг Ҳамза туманидаги янги бўлимида.*

*Рашид Галиев суратлари.*



*Ҳамкорлик уфқлари*

# «АЛКАТЕЛЬ»: АЪЛО АЛОҚА



***Телефон хизматининг ишидан нолимаган одам йўқ. Биров қўнғироқ қилаётган номери доимо банд бўлиши ёки ҳеч нарса эшита олмаётганлигидан шикоят қилади. Бошқалар телефон орқали улана олмаслик сабабли амалий аҳдлашувлар, учрашувлар барбод бўлганлиги, ёки беморга «Тез ёрдам» машинасини чақира олмаганлигидан ҳасрат қилади.***

***Аъло алоқа қандай бўлиши кераклигини биз яқин келажакда билиб олишимизга умид туғилмоқда. Бундай дейишимизга асос бор. Чунки ҳозир мамлакатимизда телефон алоқасини такомиллаштириш юзасидан собитқадамлик билан иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон бозорига ўз лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижнинг машҳур телекоммуникация фирмалари кириб келдилар. Жаҳонда энг йириклардан ҳисобланган «Алкатель» концерни шулар жумласидандир. Алоқа тизимларида янги асбоб-ускуналар яратиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва бу асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатиш ушбу концерн фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.***

***Фирманинг Германиядаги ваколатхонаси пойтахтимиздаги автомат-телефон станциялари ва шаҳар тармоқларини модернизациялаш билан шуғулланаяпти. «Оқшом»да унинг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилиб берилган. Республикамизда «Алкатель» концернининг яна бир корхонаси — «Алкатель Бизнес Системс Узбекистан» ҳам фаолият кўрсатмоқда. Унинг бош директори Олег Хан мухбиримиз саволларига жавоб беришга илтифот билан рози бўлди.***

**— Олег Николаевич, аввало сиз аъло алоқа деганда нимани тушунишингизни билмоқчимиз.**

— Биринчи навбатда бу шеригингни яхши эшитиш демакдир. Мен тез-тез хорижий сафарларда, асосан Европа мамлакатларида бўламан. Бу ерларда одамлар телефон орқали деярли шивирлашиб гаплашишади. Аъло алоқа йўлга қўйилган бўлса, хоҳлаган жойга қўнғироқ қилиш мумкин. Бунинг учун шеригинг телефон рақамини қайта-қайта тершга асло ҳожат йўқ.

Шу билан бирга телекоммуникация фирмаси вакили сифатида мен учун аъло алоқа бу энг янги, замонавий технологияларни қўллаш демакдир.

Бугунги кунда бутун дунё рақамли телефон станцияларига ўтяпти. Улар курраи заминимизнинг хоҳлаган нуқтаси билан ғоят зудлик билан пухта боғланишни таъминлайдилар. Айни пайтда бу станциялар сайёр ахборот тармоқларига улана оладилар. Ҳозир алоқа тараққиёти бевосита компьютер тармоқларини ривожлантириш билан боғлиқдир. Шохобчаси бўлмаган компьютер гўёки қон томирлари йўқ юракка ўхшайди. Ўз навбатида компьютер тармоқларини фақатгина алоқани такомиллаштириш орқали ривожлантириш мумкин. Республикамизда буни чуқур ҳис этмоқдалар. Шу сабабли бизнинг бозоримизга ҳам замонавий алоқа тизимлари кириб келяпти. Тошкентликлар жуда тез орада электрон рақамли станциялар афзалликларини илғаб оладилар, деб ўйлайман. Ҳозирги пайтда шаҳар АТСлари босқичма-босқич ана шу янги станциялар билан алмаштирилмоқдалар.

**— Аммо эндиликда телефонда белгиланганидан ортиқча гаплашиш учун қўшимча ҳақ тўлаш керак бўлади-да....**

— Ҳа, кўпчиликнинг телефонда узоқ вақт сўзлашиш одатидан воз кечишига тўғри келади. Энди бунинг учун қўшимча ҳақ тўлаш зарур. Ўзи жаҳоннинг бирор мамлакатида икки дугонанинг бир-бири билан соатлаб гап сотишини тасаввур ҳам қилишмайди. Телефонлар мулоқотида жуда лўнда бўлишга тўғри келади. Ўрни келганда бундай АТСлар қуриш ва улардан фойдаланиш «Алкатель» концернининг Германия ваколатхонаси фаолияти доирасига киришини айтиб ўтмоқчиман. Бизнинг «Алкатель Бизнес Системс Узбекистан» фирмамиз эса идораларга рақамли алоқа тизимлари ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Биз турли фирмалар, йирик компаниялар, банклар, меҳмонхоналар ва ҳатто унча катта бўлмаган шаҳарчаларда аъло алоқани таъминлаймиз. Идораларга мўлжалланган бундай станциялар жаҳонда жуда машҳур. Чунки улар қатор афзалликларга эгадирлар.

**— Бу афзалликлар нимадан иборат?**

— Энг муҳими уларнинг тежамлилигидир. Бунга бир мисол келтирай. Айтайлик, меҳмонхона мажмуасида 1000 та хона бор. Уларнинг ҳар бирига телефон ўрнатиш кўзда тутилган. Лекин амалда бу барча хоналардаги телефонлардан ҳамма бирданига фойдаланишини тасаввур этиб бўлмайди. Меҳмонхона эгаси, демак бу хонада яшовчи ҳали амалда ишлатмаган телефон учун ҳақ тўлаши лозим. Буни оқилона деб бўладими?

Бозор муносабатларига ўтиш даврида биз ҳаммамиз тежамкорлик билан хўжалик юритишни ўрганмоқдамиз. Меҳмонхонага рақамли идора телефон тизимини ўрнатиб, юқорида айтилганидек 1000 та абонент эмас, балки 150—200 абонент билан чекланиш мумкин. Бу ҳолда ҳам меҳмонхонанинг ҳар бир хонасида телефон бўлади. Унда истиқомат қилувчилар ҳеч бир қийинчиликсиз телефондан фойдалана оладилар. Чунки 1000 хонали меҳмонхонада ҳеч вақт 200 та телефон номери бирданига банд бўлмайди. Бундан биргина меҳмонхона эгаси ва унда истиқомат қилувчилар наф кўрмайди. Қолган абонентларни эса бошқа ташкилотларга ва аҳолига бериш мумкин. Идора станцияларидан фойдаланишнинг бошқа кўпгина қулайликлари ҳам бор.

**— Ҳозирнинг ўзида республикамизда сизнинг идора алоқа тизимидан фойдаланаётган корхона ва ташкилотлар борми?**

— Биз Ўзбекистон бозорида бир ярим йилдан сал мўлроқ вақтдан бери ишлаяпмиз. Шундай бўлишига қарамасдан мижозларимиз орасида давлат тизимлари, ҳукумат идоралари ҳам, хусусий фирмалар ҳам борлигини фахрланиб айта оламиз. Молия вазирлиги, Давлат солиқ бошқармаси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, республика Биржа маркази, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Тошкент шаҳар телефон станцияси, «Медиз» заводи, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси корхоналари, «Компьютерленд» қўшма корхонаси, «Динамо» теннис клуби шулар жумласидандир.

**— Маълумки, «Алкатель» техникаси арзон эмас. Бугунги кунда бозоримизда бошқа фирмалар сизникидан арзонроқ маҳсулот таклиф этаётган бир пайтда бу қадар мижозларингиз кўплигини нима билан изоҳлаш мумкин?**

— Фирмамизда нарх билан сифат ўртасида мутаносиблик мавжуд. Эсингизда бўлса, бир неча йил аввал бизнинг бозоримизга нисбатан арзон, лекин, унчалик ҳам сифатли бўлмаган моллар оқиб кела бошлади. Тақчилликка ўрганиб қолган харидорларимиз улардан ҳам мамнун эдилар. Бугун эса вазият ўзгарди. Биз энди ниҳоят жаҳон андозалари даражасидаги моллар билан танишдик. Инглизларнинг жуда машҳур «Мен арзон мол харид қилиб оладиган даражада бой эмасман» нақлини чаққан фуқароларимиз баҳоси бирмунча юқори бўлса ҳам албатта сифатли маҳсулот сотиб олишга интилмоқдалар.

Техника масаласига келганда эса яна бир нарсани унутмаслик лозим. «Алкатель» телефон станцияси ёки бошқа асбоб-ускуналарни сотишнинг ўзи ишнинг ярми, холос. Маҳсулот сотилгандан кейин у монтаж қилиниши, тегишли дастур билан таъминланиши, ишлаб чиқарилган заводидан анча узоқда таъмирланиши, кафолатли сервис ва техника хизмати кўрсатилиши, шунингдек улардан фойдаланиш хусусиятлари билан боғлиқ яна қанчадан-қанча муаммоларни ҳал этиш керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси билан фирмамиз шуғулланади. Бугун биз Тошкентдаги омборларимизда мавжуд бўлган 120 абонентли рақамли станцияларни таклиф этмоқдамиз. Шу билан бир қаторда лозим бўлса, Франциядаги заводда ишлаб чиқарилаётган 32 минг абонентга мўлжалланган станцияларни ҳам келтириб ўрнатиб беришимиз мумкин. Бунда биз буюртмачига нима кераклигини аниқ ҳисобга оламиз. Шунинг учун улар ортиқча асбоб-ускуналарга пул тўлаб юрмайдилар. Мижозга жуда диққат-эътибор билан муносабатда бўлиш ва Европа андозалари даражасида сервис хизмати кўрсатиш бозорда муваффақиятни таъминлайдиган омиллардир. Яна бир нарсани айтиб қўяй. Биз билан шу кунгача шартнома тузган ҳар битта мижоз келгусида янги асбоб-ускуналарга буюртма бермай қолмаяпти. Бу ҳам фирмамиз иш мезони ҳисобланади.

**— Сервис хизмати кўрсатиш фирмадан қўшимча сарф-харажатларни талаб этади. Бу биринчи навбатда мутахассисларни ўқитиш билан боғлиқ харажатлардир. Шундай эмасми?**

— Ҳа. Лекин биз унга маблағни аямаймиз. «Алкатель» корпорацияси фирмаси ва Ўзбекистон Республикаси юридик шахси мақомига эга бўлган ташкилотимиз олган фойдасини республикадан олиб чиқиб кетмасдан, уни янги корхоналар, асосан сервис ва техника хизмати кўрсатиш шохобчаларини яратишга ишлатяпмиз. Бундан ташқари биз мутахассисларни «Алкатель»нинг Франция, Германия, Австрия, Бельгиядаги марказларида ўқитишга анчагина маблағ сарфлаяпмиз. Бу заруратдир. Чунки «Алкатель» ўз маҳсулотларини муттасил янгилаб боряпти. Биз эса уларни Ўзбекистон бозорида жорий этишга тайёр бўлишимиз лозим.

**— Сизнинг фирмангизда ишлаш осон бўлмаса керак?**

— Шубҳасиз. Биз бўлажак ходимларимизга юксак талаблар қўямиз. Фирмамизда меҳнат қилаётганларнинг ўртача ёши 25 дан ошмайди. Ишга асосан 30 ёшдан юқори бўлмаган (ёшликнинг афзалликлари кўп)ларни қабул қилишга интиламиз. Улар компьютерда ишлай олишлари, чет тилини билишлари керак. Фирма ўз ходимларини чет элларда ўқитишга катта сарф-харажатлар қилиб, муайян даражада таваккалчилик қилмоқда. Лекин бу ҳозирча ўзини оқлаяпти.

**— «Алкатель»дек машҳур хорижий фирманинг бозоримизга кириб келиши ҳам муайян таваккалчиликми? Ўзбекистонда «Алкатель» фирмаси очишга концерн раҳбариятини ишонтириш учун қандай асослар келтирилди?**

— Очиғини айтганда бир неча йил илгари республикамиз тўғрисида жуда батафсил ҳикоя қилиб беришга тўғри келарди. Чунки хорижда биз тўғримизда деярли ҳеч нарса билишмас ёки Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлар мутлақо ҳақиқатга тўғри келмасди. Концерн раҳбарияти республикадаги иқтисодий, сиёсий вазият тўғрисидаги холис маълумотларга эга бўлгач, фирмамизни ташкил этишга розилик бердилар. Биз ўз ишимиз натижалари тўғрисида ҳар йили концерн директорларининг кенгашида ҳисобот беришимиз керак. Одатда Париж ёки Венада ўтказиладиган бундай кенгашларда «Алкатель»нинг жаҳоннинг турли бурчакларидаги бўлинмалари вакиллари ҳозир бўладилар. Бу ҳисоботлардан ҳамкасбларим Ўзбекистон бозоридаги ва умуман республикадаги вазиятдан тўлиқ хабардор бўладилар.

Лекин аслини олганда концерн вакиллари Ўзбекистонга яқинда келганларидагина мамлакатимизни чинакамига кашф этдилар. Улар Тошкентдек гўзал ва замонавий шаҳардан ҳайратга тушдилар. Жаҳон андозаларига жавоб берадиган теннис майдончаларимиздан эса умуман лол қолдилар. Улар спортга, жумладан теннисга бундай муносабатни республикадаги барқарорликнинг энг муҳим исботи, деб ҳисобламоқдалар. Раҳбарлар ҳам, оддий фуқаролар ҳам бўш вақтларини теннис кортларида ўтказаётган эканлар, демак мамлакатдаги вазият барқарор.

**— Ўзингизнинг спортга муносабатингиз қандай?**

— Аввал боксга қизиқар эдим. Эндиликда эса теннисни севиб қолганман. Мана беш йилдан бери у билан мунтазам шуғулланиб келяпман.

**— Бу қизиқишингиз ишингизга ёрдам берадими?**

— Албатта. Агар машқлар орасида танаффус бўлса, буни дарҳол ҳис этаман. Ўзимни фаол ҳаракатсиз тасаввур эта олмайман. Бундан ташқари теннис саломатликни мустаҳкамлаш воситаси бўлибгина қолмасдан, қизиқарли кишилар билан мулоқотда бўлиш имконини ҳам беради. Теннис майдончасида янги-янги дўстлар orttирасан, ҳатто буни режалаган бўлмасангда, бўлажак мижозларингни ҳам учратасан. Умуман олганда спорт инсон характерини шакллантиради, уни чиниқтиради, қийинчиликларга қарамасдан олға боришга ундайди. Тижорат ишида ҳам худди шундай фазилатлар юқори баҳоланади. Мақсад сари қатъият билан изчил борадиган қийинчиликлардан чўчимайдиган, етти ўйлаб бир кесадиганлар ғалаба қозонади.

Фирмамиз ўз фаолиятидан дарҳол фойда олишни олдига мақсад қилиб қўймаган. Биз Ўзбекистон бозорида муқим иш олиб бориш ниятидамиз. Чунки республиканинг истиқболига, унинг жадал ривожланишига ишончимиз комил.

Суҳбатдош Ёқут КАРИМОВА.

*Пай* — эгалик кафолати*

# РОСТЛАНГАН ҚАД

«Тоштўқимачи» шаҳримиздаги энг йирик корхоналардан бири саналади. Сўнгги йилларда шундай йирик ишлаб чиқаришда ҳам депсиниш бошланди. Аниқроғи турли сабаблар билан маҳсулот ишлаб чиқарилишида унумсизлик, ишчилар ўртасида эса қўнимсизлик авж ола бошлади. Хўш, қандай қилиб бу мушкул аҳволдан қутулиш мумкин? Корхонанинг илгариги шуҳратини қай йўл билан тикласа бўлади? Шу каби муаммолар кеча-кундуз «Тоштўқимачи»нинг маъмуриятидан тортиб, оддий ишчиларигача бошини қотира бошлади. Ниҳоят корхонада мулкчилик шаклини ўзгартириб ҳиссадорлик жамиятига ўтишга қарор қилинди. Янгилик кўпчиликка маъқул келди. Лекин бу ҳали ишнинг бошланиши эди. Унга киришиш, корхонани минтақадаги турдош корхоналар ўртасида пешқадамликка олиб чиқиш каби масалаларни ҳал этиш лозим эди. Албатта, бу муаммолар ҳар бир ходимдан тадбиркорлик билан иш юритишни талаб этарди.

— Дастлаб анча қийин бўлди, — дейди бизга жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Евгений Трофимов. — Тўқимачилар ўртасида мулк шаклини ўзгартириш афзалликларини кенг тарғиб этгунча маълум муддат ўтди. Бунинг устига комбинат томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз харидорларини тополмай омборларда тахланиб ётиши, харид қилинган маҳсулотларга ўз вақтида пул тўламаслик ҳар қадамда ишнинг белига тепарди. Ишлаб чиқаришда юзага келган бу муаммони икки йўл билан ҳал этиш мумкин деган хулосага келинди. Бунинг учун биринчидан, маҳсулотни сотиш бўйича бажариладиган ишларни аста-секин бўлсада жонлантириб юбориш, иккинчидан, корхонада чиқитсиз технологияни йўлга қўйиш лозим эди. Шундай қилинган тақдирда тайёр маҳсулотлар ўз харидорини топади, шундоқ ҳам танқис бўлиб турган материаллар эса бемаврид чиқитга чиқарилишига барҳам бериларди. Биринчи қадамдаёқ бу тўғри йўл эканлиги ўз исботини топди. Омборлар маҳсулотлардан бўшаб қолди. Янги буюмлар харидорлар орасида қўлма-қўл бўла бошлади. Шундай қилиб корхона қаддини тиклаб олди.

Янгилик ўз-ўзидан янги имкониятларни келтириб чиқара бошлади. Эскириб ўз харидорини йўқота бошлаган газламалар ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Хусусан комбинатнинг 1-тўқув-йигирув фабрикасида 140—150 сантиметргача бўлган кенгликдаги материаллар ишлаб чиқаришга мослаштирилди. Чунки бозор шунақа маҳсулотларни кўпроқ талаб қила бошлади. 2-тўқув-йигирув фабрикаси ҳам салмоқли матолар тўқиб чиқаришга киришди. Айни пайтда маҳсулот турлари ҳам орта борди.

Яна бир гапни алоҳида қайд қилиб ўтиш жоиз. Албатта янгилик «Тоштўқимачи»дек салобатли корхонада техник ўзгаришлар ва эскирган асбоб-ускуналарни янгиси билан алмаштиришни ҳам талаб этарди. Буни яхши тушунган мутахассислар зудлик билан ишга киришдилар. Яқин бир йил ичида корхонанинг жуда кўплаб эски машиналари ўрнида Германия, Япония, Англиядан келтирилган янги қудратли техникалар қад ростлади.

Ҳозир корхона мутахассислари ўртасида «Талабга яраша» деган ибора кенг ўрин олган. У буюртмачи ва истеъмолчи истагига кўра харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир.

Олинган фойда нималарга сарфланмоқда? Ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий шароитлари яхшиланяпти. Уларнинг унумли меҳнатидан сўнг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун қулай шароитлар яратиляпти. Даромаднинг бир қисми эса техника жараёнларини янгилаш, ижодий изланиш, илғорларни рағбатлантиришга сарфланмоқда.

«Тоштўқимачи»нинг қад ростлашида унинг хориж билан мустаҳкам алоқаси ҳам самарали ўрин эгалламоқда. Комбинат таркибида бир нечта кичик корхоналар фаолият кўрсатаётганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Энг муҳими корхона вексель ва қимматли қоғозлари бозори чаққон. Улар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган.

Евгений Трофимов суҳбатимиз давомида маҳсулот сифатини ошириш, уни жаҳон андозалари даражасига етказиш ва шу йўл билан жаҳон бозорига чиқиш масалаларига ҳам кенг эътиборни қаратди.

— Энг муҳими, ишчилар янгиликнинг афзаллик томонларини тўла тушуниб етишди. Ўзлари корхонанинг ҳақиқий хўжайинларига айланиб, ҳалол меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўлишмоқда. «Даромадга яраша буромад» деганларидек уларга тўланаётган дивидендлар миқдори ҳам йил сайин ошиб бормоқда, — дейди сўзининг охирида Евгений Трофимов.

Андрей МАКСИМОВ.



*«Сифат» акционерлик ишлаб чиқариш қурилиш жамиятига қарашли 36-қурилиш бошқармасида малакали бунёдкорлар, пайвандчилар, дурадгорлар меҳнат қилишади. Ана шундайлардан бири Музаффар Исломовдир. У 20 йилдан буён электр пайвандчи бўлиб ишлайди. Ўтган вақт давомида кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлашга эришди.*

*СУРАТДА: электр пайвандчи Музаффар Исломов.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Соғлом авлод учун*

# МАҚСАДГА БИРГАЛИКДА ЭРИШАМИЗ

Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маданий марказида бир гуруҳ тиббиёт ходимлари билан «Соғлом авлод учун» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

— Мана беш йилдирки «Соғлом онадан соғлом бола туғилади» дастури асосида иш олиб бормоқдамиз, — дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Малика Зиёева. — Бунинг учун 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шуниси ачинарлики, кўпчилик аёллар уй, иш, бола-чақа ташвишидан ортиб, ўз соғлиқлари ҳақида қайғурмайдилар. Ҳатто бир неча бор таклиф қилинишларига қарамай тиббий кўрикдан ўтишга вақт ажратолмайдилар. Бизнинг шифокорлар ҳатто уйма-уй юриб, аёлларнинг соғлиқларини текширишга мажбур бўлишмоқда.

Соғлом авлод учун аввало ота-она жавобгардир. Шу боисдан ҳам фарзанд кўришга аҳд қилган ота-онанинг ҳар иккиси ҳам соғлом бўлишлари шарт. Бу соҳада Шайхонтоҳур тумани тиббий ходимлари ажойиб ишни бошладилар. Турмуш қураётган келин-куёвлар тажриба тариқасида тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари шарт деб қўйилди. Бу ҳақда кўп гапирилишига қарамасдан, баъзи аёллар болалари бир ёшга етар-етмас яна фарзанд кўрмоқдалар.

Оилани режалаштириш деганда биз фарзанд кўришни чеклашни назарда тутаётганимиз йўқ. Икки гўдак парвариши онани ҳолдан тойдириб, касаллантириб қўяди. Шу боисдан тиббиёт фарзанд кўрган онага кейингисига ҳомиладор бўлгунча 3 йил дам олиши лозимлигини тавсия қилади. Бу вақт ичида она саломатлиги қайта тикланади, қолаверса бола ҳам ўзини тутиб олади. Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларга олиб келаётгани маълум бўлса ҳам бу кўрсаткичлар кўтарилиб бормоқда.

Яна бир муаммо борки, бу — фарзанд кўраётганларнинг энг кўп фоизи 15—17 ёшдаги қизларга тўғри келаётир. Турли асоратлар ана шуларда учрамоқда. Барча шифокорларнинг асосий мақсади бир: бир-биридан чиройли, соғлом болалар туғилса ва барча оналар ўз болаларига эгалик қилсалар, болалар ҳам оналаридан маҳрум бўлмасалар.

Республика ўқув илмий услубиёт марказининг тажрибахона мудири Машкура Туропова, Наврўз маҳалласи оқсоқоли Олим ота Ортиқов, уй бекаси Доно Ҳикматова, Маърифат Орифжонова, уруш ногирони Фароғат Йўлдошевалар ўзларини қизиқтирган, ўйлантираётган мавзуларда саволлар беришди. Суҳбат давомида тилга олинган далиллар, муаммолар кўп бўлди. Уларнинг ечими фақат тиббиёт ходимларигагина боғлиқ эмаслиги, эзгу ниятларнинг амалга ошувида барчанинг иштироки бўлмоғи лозимлигини таъкидлади.

Дония ЗОКИРОВА.

*Фанимиз нуфузи*

# ИККИ АКАДЕМИЯ АЪЗОСИ

**_Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, Кимё институтининг директори Зокиржон Салимов номи Англиянинг Кембриж шаҳрида ҳар йили чоп этиладиган «Инсон—муваффақият» халқаро энциклопедик тўпламининг 16-нашрига киритилди._**

Бугунги кунда ҳаётимизни кимё саноатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бизга оддийдек туюлган ён-атрофимиздаги ҳар бир буюмда албатта кимёнинг ҳиссаси бор. Шунинг учун республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришда ана шу соҳа ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юкланади. Буни яхши тушунган Кимё институти жамоаси салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Институт директори Зокиржон Салимов раҳбарлигида олиб борилаётган «Кимёвий технология жараёнлари ва қурилмалари» мавзусидаги илмий изланишлар бир қанча муаммоларни ҳал этишни ўз ичига қамраган. Шулардан бирини, хусусан корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнида ифлосланган ҳавони тозаловчи қурилмаларни амалга татбиқ этишди. Бундай қурилмалар асосан ёғ-мой ва пахтани қайта ишлаш саноати корхоналарида зарур шарт-шароитларни яратиш, жумладан ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишда бениҳоят зарур. Ушбу соҳадаги фаолияти учун Зокиржон Салимов ўтган йили Экология ва ҳаёт хавфсизлиги фанлари халқаро академиясига академикликка сайланди.

Институт жамоаси томонидан самарали йўлга қўйилган яна бир технология чигитдан ёғ олиш қурилмасидир. Маълумки, бугунги кунда бизда ёғ олиш технологияси жаҳон талаблари даражасида эмас. Чигитга махсус ишлов берилиб, сўнг ёғ олингач, ундан қолган чиқит чорвага ем сифатида берилади. Лекин ана шу чиқитда маълум миқдорда ёғ олинмай қолиб кетади. Янги технология қурилма эса чигитдан имкон қадар кўпроқ ёғ олишга мўлжалланган. Ана шу соҳадаги илмий изланишлар Зокиржон Салимовдек ўзбек кимёгарини жаҳонга танитди. Унинг илмий фаолияти Америка Қўшма Штатларининг Шимолий Каролина штатидаги Америка биография институти томонидан чоп этиладиган «Машҳур кишилар халқаро китоби»нинг тез кунларда нашрдан чиқадиган 4-томига ҳам киритилди.

Зокиржон Салимов бугунги кунда республикамиз иқтисодий тараққиётини кўзловчи изланишлар устида иш олиб бормоқда. Шулардан бири маҳаллий хом ашёдан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўлиб, бунинг натижаси мазкур маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади. Республикамиз эҳтиёжи бўлган яна бир масала — энергетика мустақиллиги йўлида нефтни қайта ишлашни янада тараққий эттириш учун ҳам Кимё институти айтарли ютуқларга эришмоқда. Бу борада Мингбулоқ нефти жуда катта самара бериши мумкин, зеро бу нефть ўз таркибида парафиннинг кўплиги билан ажралиб туради. Булардан ташқари иссиқ иқлимли юртимиз аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун сувни тозалаш технологик қурилмасини яратишга жиддий эътибор қаратилган институт жамоаси кўзга кўринарли натижаларга эришаётир. Яқинда академик Зокиржон Салимов яна бир хушхабар олди: унга жаҳонга машҳур Нью-Йорк академиясининг академиклигига сайланганини маълум қилишди. Ўзбек олимининг тадқиқотлари жаҳонда тан олинаётгани юртимиз фанининг нуфузидан далолат бериб турибди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

*Маданият янгиликлари*

# САРА АСАРЛАР

Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган республика театрларининг «Болаларга аталган спектакллар» кўрик-танлови ниҳоясига етди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати ўн кун давомида мамлакатимиз театрлари томонидан тақдим этилган кўплаб спектаклларни кўриб чиқиб, энг сара асарларни аниқладилар. Танлов давомида тақдим этилган спектаклларда бугунги дориломон кунлар шукуҳи акс эттирилган қувноқ саҳна асарлари, тарихимиз, ота-боболаримизнинг қаҳрамонликлари саҳнада гавдалантирилган. Тўмарис, Широқ, Амир Темур ва бошқа аждодларимизнинг ватанга муҳаббат, юртни авайлаб асраш каби инсоний улуғворлиги акс этган воқеаларга бой спектакллар, дўстлик, бир-бирларига бўлган муҳаббат, ота-онага, катталарга ҳурмат, ўзбекона урф-одатлар ва одоб-ахлоқ тараннум этилган саҳна томошалари тақдим этилди. Танлов давомида ҳакамлар ҳайъати билан биргаликда мазкур асарларни жажжи театр шинавандалари ҳам томоша қилдилар. Уларнинг ҳис-ҳаяжонлари, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларига бўлган қизиқиш, уларнинг ижролари орқали асар воқеаларига киришиб кетган ёш томошабинларнинг эътибори ҳақиқий баҳони берди, десак муболаға бўлмайди. Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят театрининг ҳинд халқ эртаклари асосида саҳнага олиб чиқилган, беқиёс ва бетакрор эртакнамо юртга олиб киргандай таассурот уйғотган «Чандунинг саргузаштлари» деб номланган спектакль биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Каттақўрғон давлат театрининг Ғафур Ғулом асари асосида ўзига хос талқинда саҳнага олиб чиқилган «Шум бола» спектакли ҳам аввал қўйилган спектакллардан тубдан фарқ қилиши, унда акс эттирилган воқеаларнинг ишонарли ва томошабинга беғубор кулги уйғота олиши билан ҳам ажралиб турганлиги асарнинг иккинчи ўринни олишига сабаб бўлди. Иккинчи ўрин Тошкент оперетта театри ижодий жамоаси томонидан саҳнага олиб чиқилган ўзбек халқ эртаклари асосидаги, мусиқа ва қўшиқларга бой «Ҳасан хасис» спектаклига ҳам берилди. Учинчи ўринни эса Сурхондарё вилоят театрининг «Ҳумо» спектакли олишга муваффақ бўлди. Мазкур асарда ҳумо қуши тимсолида эзгуликнинг ғалабаси тараннум этилади.

Шунингдек болаларга аталган спектаклларда энг яхши образ яратган бир неча актёр ва актрисалар ҳам Маданият ишлари вазирлиги ва ҳомий ташкилотлар тақдим этган пул мукофотларини олишга муваффақ бўлдилар. Ғолиб спектакллар шу кунларда болаларнинг дам олиш оромгоҳларида намойиш этилмоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.



*Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларида турли хил тўгараклар жадал ишлаб турибди. Ана шундай масканлардан бири Сергели туманидаги мактаблардан бирида фаолият олиб бораётган рақс тўгарагидир.*

*СУРАТДА: тўгарак раҳбари Раҳима Юсупова машғулот пайтида.*

*Равиль Альбеков олган сурат.*

**_Ўтмиш қадриятларига нисбатан қизиқиш кучайиб бораётган ҳозирги вақтда кишиларимизнинг тарихий манбаларда яширинган айрим қизиқарли маълумотларга эга бўлиш истаклари ҳам тобора ортмоқда. Ана шундай бой манбалардан бири қадимий амал ва мансабларга доир атамалардир._**

*Ўтмишдан садо*

# ҚАДИМДА МАНСАБЛАР ҚАНДАЙ НОМЛАНГАН?

Тарих тупроғига жуда чуқур илдиз отган ва ғоят қизиқарли эволюцияга эга бўлган амал-мансаб атамалари талайгина. Шулардан бири «қайсар» сўзидир. Маълумки, Рим императорларини Марказий Осиёда «Рум қайсари» деб атаганлар. Ҳозирда ҳам бадиий адабиётда бу ибора кенг қўлланилади. Туркий халқлар ҳукмдорларини қайсар деб аташларининг сабаби қуйидагича: машҳур тарихий шахс—император Гай Юлий Цезарнинг номи эрамиздан олдинги даврда кишилар учун подшоҳликка муносиб ягона зотнинг исми бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам римликлар император сўзи ўрнига кайзер — Гай Юлий Цезар сўзларининг қисқарган бирикмасини ишлатганлар ва кейинги иператорларни ҳам шундай атаганлар. Туркий элларга тарқалган бу атама қайсар шаклида талаффуз қилинган. Кейинчалик ўзбеклар бу сўзнинг асл туркийча маъноси (қайсар — «ўжар, бўйсунмас» маъносини билдиради) подшоҳларга хос хусусият эканлигидан келиб чиқиб, Рим ҳукмдорлари шундай аталганлар, деб ҳисоблашган. Аслида эса бу сўз лотинча иборанинг туркий талқини маҳсули холос.

Худди шу каби, туркий халқларнинг амал-мансабга оид атамалари ҳам келиб чиқиши ва маънолари билан ажралиб туради. Бундай атамаларни туркий ҳукмдорлар, уларнинг оила аъзолари ва сарой аҳлига кўра бир неча турга бўлиш мумкин. Марказий Осиё амалдорлари табақасини учга бўлиб ўрганадиган бўлсак (олий табақа, юқори табақа ва ўрта табақа), олий табақадаги мансабдорларга, албатта ҳукмдорлар ва уларнинг оила аъзолари киритилган. Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Хева хонлиги, Бухоро амирлигида олий мансаб эгаларини подшоҳ, шоҳ, шаҳаншоҳ, амир, амирул умаро, султон, хон, ҳоқон, волий, халифа деб атаганлар. Ўрта асрларда фақат Чингизхон авлодидан бўлган подшоҳларгина хон атамаси билан номланган бўлсалар, XIX асрга келиб у ҳар битта туркий ҳукмдорга нисбатан қўлланиладиган бўлди. Ҳоқон номи мўғулчадан кириб келган бўлиб, қадимги туркий ҳукмдорларгина шу нисба билан, аниқроғи унинг мўғулча шакли — «қаған» номи билан аталганлар. Амир сўзи эса аслида вазир, яъни подшоҳнинг ўнг қўли маъносини беради. Лекин темурийлар даврига келиб, улуғ соҳибқирон Темур камтарлик юзасидан ўзини хон эмас, амир номи билан атаганидан сўнг, барча туркий подшоҳлар учун бу нисба расм бўлиб кетган.

Подшоҳнинг турмуш ўртоғи хоним, ойим, бегим, султоним, пошша бегим деб аталган. Агар подшоҳнинг ҳарамида бир неча аёл бўлса, энг катта рафиқани султон хоним, Хоним ойим, оғача бегим, катта хоним деб чақирганлар. Ҳукмдорнинг фарзандлари ҳам ўзига хос номларга эга бўлганлар. Ўғил фарзандлар шаҳзода, амирзода, мирза, валиаҳд деб, қиз фарзандлар хонзода, бегойим, ойим, хоним деб аталганлар. Подшоҳнинг волидасини эса ҳазрат бегим, ҳазрат ойим, хоним ҳазрат деб атаганлар.

Юқори мансаб эгалари вазир, вазири аъзам, вазири кабир, вазири калон, амир, амири лашкар, меҳтар, девонбеги, қушбеги, иноқ, олталиқ, нақиб, мингбоши, додхоҳ, бек, бий, бийоқо, беклар беги номлари билан аталганлар. Бундай мансаб эгалари подшоҳ ҳузуридаги энг обрўли ва энг ишончли кишилар бўлиб, маросим ва қабул пайтларида тахтнинг икки томонидан жой олганлар. Улардан икки киши: вазир билан қушбеги подшоҳнинг икки ёнида тик турган. Қолганлар эса мансабига кўра тахтнинг икки томонига солинган узун кўрпачаларда ёнма-ён ўтирганлар. Подшоҳнинг ўнг томонига амири лашкар, мингбоши, девонбеги каби амалдорлар, чап томонига эса шайхулислом, қози, раъис каби шариат пешволари жойлашганлар.

Ўрта табақа мансабдорларини бир неча турга бўлиш мумкин. Ўз вазифалари ва мажбуриятларига кўра маъмурий, хўжалик, идора, молия, ташқи ишлар, ички ишлар, маиший хизмат мансабдорлари мавжуд бўлган ва уларнинг ҳар бири алоҳида атамалар билан номланган. Бундай мансабдорларга қуйидагилар кирган: ўнбеги, элликбоши, юзбоши, понсад, понсадбоши, саркор, амлакдор, амин, оқсоқол, катавул, калонтар, ҳоким, оғалиқ, катхудо, девонбеги, мунши, мирзо, мирзобоши, дабир, муҳрдор, парвоначи, хазиначи, закотгир, музаккий, мушриф, миршаб, қўрбоши, ясовул, ясовулбоши, маҳрам, маҳрамбоши, эшикоғаси, доруға, кутвол, қоровул, қоровулбеги, жарчи, жарчибеги, тунқотар, тавочи, тавочибоши, элчи, расул, қосид, отчопар, шиғовул, ғажарчи, уйдачи, тўқсоба, китобдор, офтобачи, дастурхончи, бўхчадор, бўхчабардор, табақчи, ошмеҳтар, шотир ва ҳоказо.

Ўнбеги, элликбоши, юзбоши мансабидаги кишилар маълум маҳалла ва қишлоқлардаги маъмурий ва солиқ ишлари билан шуғулланувчи амалдорлар бўлиб, баъзи жиҳатларига кўра ҳозирги маҳалла оқсоқоллари вазифасини бажарганлар. Понсадбоши атамаси тожикча ўзакдан ясалган бўлиб, панж сад — «беш юз» маъносини ифодалайди. Бундай мансаб эгаси юзбошидан юқори ва мингбошидан қуйи вазифасида бўлган. Катхудо атамаси эса қадимги эронча кад — «уй» ва худо — «бошлиқ» маъноларини билдиради. Энг қадимги даврларда қабила бошлиғини кадхудо деб аташган. XV—XIX асрларда эса бу ном оқсоқол маъносида қўлланилган.

Девонбеги, мирзо, муниши каби мансаб атамалари идораларда хизмат қилувчи аҳли қаламга нисбатан қўлланилган. Сарой девонида хизмат қилувчилар икки тоифага бўлинган: катта амалдорлар ва кичик амалдор ёки ходимлар, катта амалдорларга мирзо ва мирзобошилар кирган, кичик амалдорлар — ходимлар эса мунши, дабир, котиб деб номланган. Девон хизматчилари устидан девонбеги мансабидаги киши бошчилик қилган. Бундан ташқари девонда давлат молиявий ишлари ҳужжатларини назорат қилувчи муҳрдор ҳамда шоҳ фармонларига масъул парвоначи вазифалари ҳам бўлган.

Ички ишларга оид атамалар орасида ҳам эътиборга молик тарихий номлар кўп. Манбалардаги маълумотларга кўра Марказий Осиёда ўтмишда қўрбоши мансаби ҳозирги шаҳар милиция бошлиғи вазифасига тўғри келган. У қирқ тўрт нафар миршабга раҳбарлик қилган. Миршаб сўзи форсча мир —«эга» ва шаб — «тун» маъноларини англатади. Миршаб осойишталикни таъминлаган. Ясовул атамаси мўғулча «яса» — «қонун», «буйруқ» маъноларини билдириб, дастлаб хон буйруқларининг бажарилишини назорат қилувчи киши номини ифода этган. Кейинчалик сарой соқчиси, шоҳнинг шахсий қоровули ясовул дейилган. Бир неча ясовулга ясовулбоши раҳбарлик қилган.

Эшикоғасининг вазифаси сарой дарбозасини назорат қилиб туришдан иборат бўлган. Доруға сўзи мўғулча «ҳоким» бўлиб, вилоят ёки шаҳар ҳокими маъноларини ифода этган. Кутвол атамаси эса ҳиндча «кут» (қалъа) ва арабча «волий» (бошлиқ) сўзларидан ҳосил қилинган ҳамда қўрғон соқчиси маъносини англатган. Тунқотар эса тун қоровул вазифасини бажарган. Сарой ёки шаҳар қоровулларининг бошлиғи қоровулбеги деб аталган.

Маиший ҳаётга, саройдаги хўжалик ишларига оид мансаб ва амал атамаларидан бўхчадор ва бўхчабардор сўзлари подшоҳ оиласига қарашли кийим-кечакларни сақловчи ҳамда сафар чоғида уларни олиб юрувчи мансабдор номини англатган. Дастурхончининг вазифаси подшоҳ ва сарой амалдорларининг зиёфатларига бошчилик қилишдан иборат бўлган. Зиёфатларда овқатлар устидан назорат қилиб, уларнинг сифатига жавоб берадиган киши тўқсоба деб номланган. Табақчи атамаси билан саройда ёзиладиган дастурхонга таом тортувчи ходим аталган. Ошмеҳтар вазифасидаги киши эса подшоҳ ошпазларининг бошлиғи бўлган. Офтобачи подшоҳ ва унинг яқинларига ювиниш учун сув ҳозирлайдиган хос ходимлардан ҳисобланган. Уйдачи вазифасидаги ходим эса подшоҳ оиласининг уй юмушларини бажарган.

Шу ва шунга ўхшаш амал-мансаб уларнинг ўрта асрлар ёзма адабиётида, қадимги битиклар ва тарихий асарларда кенг қўлланилиши ўтмишда туркий давлатларда давлат қонунлари, маъмурий бошқарув аниқ ва қатъий тартибда бўлганлигини, давлат бошқаруви мукаммал фаолият кўрсатганлигини исботлайди. Бу нарса буюк ота-боболаримизнинг давлат идораси, сиёсатдонлик ва раҳбарлик санъатлари бобида улкан имкониятларга эга бўлганликларини янада яққолроқ кўрсатади.

Хайрулло НУРИДДИНОВ.

**_Ўтаётган ҳар бир кунимиз турли воқеалар, янгиланиш йўлидаги изланишлар, имкониятларга бойлиги билан талаб, масъулият, эътиборни кучайтирмоқда. Ҳар соҳада бир янгилик, туб бурилишлар, янги йўл сари яна бир қадам ташлаш билан илгари силжимоқда. Республика раҳбарияти томонидан етарлича имконият, ижод, эркин меҳнат фаолияти учун қатор фармон, қарорлар қабул қилинмоқда._**

**_Ўзбекистон Республикаси Президентининг кино, телевидение ва радиоэшиттириш ҳақидаги кейинги Фармонлари бу соҳа ходимлари, мухлислари, мутахассислар томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Улардан кўзланган энг асосий мақсад, фикримизча ўзбекнинг киноси, телевизион кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари халқимиз хонадонларига кириб борсин, жаҳон миқёсида танилсин._**

**_Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар нималардан иборат? Ишни нимадан бошлаш керак? Тошкент Давлат университетининг журналистика факультети кино, телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси ташаббуси билан ташкил қилинган давра суҳбати юқоридаги мунозарага чорловчи саволлар билан бошланди._**

*Фармон ва ижро*

# ЗАМОНГА ҲАМНАФАС БЎЛСИН

**Ҳамидулла Акбаров, кино, телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси мудири, профессор.**

— Президентимизнинг навбатдаги аҳамиятга молик Фармонлари чиқди. Бугунги суҳбатимиз шу Фармон, у асосида белгиланадиган вазифалар хусусида бўлади. Бу Фармон қабул қилинганлигининг ўзи телевидение ва радионинг халқимиз ҳаётида қанчалик ўрин тутганлигини кўрсатади. Кўҳна санъатлар асрлар давомида босиб ўтган масофани телевидение космик тезликда забт этмоқда. У бугун кинонинг, театрнинг вазифаларини бажармоқда. Бу вазифаларни телевидение мукаммал эгаллаши учун Фармонда бирма-бир кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак. Телеижодкор аудиторияни қониқтирадиган даражада етарли илм олиш, мавзу моҳиятини белгилаш, масъулиятини ҳис қилишидан тортиб, теледастур, техник жиҳатлар мукаммаллигини таъминлаш, телевидение назарияси ва амалиётини омухта ҳолда рўёбга чиқариши керак.

Фармоннинг бир бандида шундай жумла бор. «...Шафқатсизликни тарғиб қиладиган, инсон қадр-қимматини таҳқирлайдиган... материаллардан фойдаланишга йўл қўймаслик», керак дейилган. Масалан, «Қуёши ботмайдиган юрт» бадиий видеофильмида бир қизнинг фожиаси, поймол этилган туйғулари, йигитнинг шафқатсизлиги охир-оқибат қизнинг умрига зомин бўлиши ҳикоя қилинади. Аслида фильм мақсади томошабинни бундай шафқатсизликларга қарши оёққа турғазиш.

Бу муҳим ҳужжатдаги энг асосий масалалардан бири бевосита бизга таалуқли. Кадр тайёрлаш масаласи ҳақидаги фикрларга ҳам жиддий эътибор даркор.

**Ирода Исмоилова, кино, телевидение ва радиоэшиттириш кафедраси ўқитувчиси:**

— Журналистика факультети ҳаётидаги жўшқинлик, фаоллик, талабчанликнинг кучайганлигини барча сезиб турибди. Ҳам назария, ҳам амалиётдан бохабарлигим боис бир нарсани эътироф этмоқчиман: энг асосий олдимиздаги вазифа ижодкорлар билан илм базаси ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш керак. Ўша телевидение, радио учун кадрлар шу ерда тайёрланади. Бугунги талабага қўйилаётган талаб амалиётчига ҳам қўйилиши, у етарли назария билан таъминланиб туриши керак. Радио қошидаги журналистларнинг малака ошириш институти билан факультетимиз алоқа боғлаб, ҳамкорлик қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Абдуқаюм Абдураҳмонов, шу кафедра ўқитувчиси:**

— Кадр тайёрлаш уларнинг савиясини ошириш борасидаги таклифлардан кейин факультетнинг, айнан кафедраларнинг ўқув филиалини телевидение қошида ташкил этиш керак, деган хулосага келдим.

**Давлатбек Турдалиев, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси спорт ва ёшлик дирекцияси директори:**

— Биз амалиётчилар факультетига ҳамкорлик учун етук билимли кадрлар билан ишлаш мақсадида келдик. Телеижодкорнинг олдида турган талаблар жуда кўп. У бугун кириб борадиган хонадонига кечагидан 10 чандон ортиқ тайёргарлик билан кирмаса, томошабин уни қабул қилмайди. Кўпгина бошловчиларимизда техникага кўникма, нутқ маданияти йўқлиги, адабий тил нормаларига риоя қилмаслик, хорижий тилларни пухта билмаслик ҳоллари учраб турибди. Етарли билимга эга бўлмаган ижодий ходим камера чироқлар ёғдуси салобатида барибир довдирайди, гапининг моҳиятига етмайди.

**Тоҳир Пидаев, «Журналистика тарихи» кафедраси мудири, доцент.**

— Даврадагиларнинг билдираётган фикрлари ўзбек телевидениеси, радиоси ҳақида бўляпти. Хориж экранининг бизга сунъий кириб келмаслиги, тақлиддан қочишнинг бирдан-бир йўли ўзлигимизни унутмаган ҳолда миллийликка йўғрилган телевидение, радио ташкил қилиш керак. Белгиланган вазифалар, режалар кўп.

**Омонулла Мадаев, журналистика факультети декани, доцент.**

— Телевидение фаолияти йўналишининг асоси халқ онгида конституциявий меъёрлар ва қонунчиликни чуқур тушунтиришдан иборат бўлиши керак. Харидор сотиб олган, лекин талабга жавоб бера олмайдиган маҳсулоти учун масъул фирмадан ҳаққини кетказган вақти, соғлиғи, руҳий азобланганлиги учун ўз ҳақини талаб этиши учун қонунни, ҳуқуқларни билиши керак. Бу оммавий ахборот воситалари бевосита вазифаларидан биридир. Адабий тил меъёри муаммоси устида ҳам жиддий ўйлаш даркор.

Суҳбатни Хуршид ИБРОҲИМОВ,
Малоҳат СОБИРОВАлар
ёзиб олишди.

**_— Зокиржон, оҳ болам-а..._**

**_Йигитнинг кўзлари ярақ этиб очилдию, қўлидаги ярқираб, қон чакиллаб турган пичоқ кафелли полга тушди. Хира тортган фикри, уйқудан босинқираб туриб, гарангсираганча атрофга аланг-жаланг қилгандек равшан торта бошлади._**

*Турмуш чорраҳаларида*

# НОМАРД

Миясида нимагаям кирдим деган ўй чарх урар, жон талвасасида ётган аёлга дам ёрдам бериш, дам фурсат ғанимат, қочиш керак деган хаёлга оёқлари эш бўлишига ошиқарди. Энди нима бўлади? Нима қилиб қўйдим? Қочиш керак! Оёқлари ўзига бўйсунар-бўйсунмас тезроқ ҳаракат қилиб хазиналарга лиммо-лим кошона бўлиб кўринган мўъжаз кулбани тарк этишга ошиқар, хаёли эса қадамлариданда тез ортга қайтиб, хотирани уйғотди.

Зокирнинг янги улфатлари билан танишганига ҳали кўп ҳам бўлгани йўқ эди. Окахонлари унда анча оғир-босиқ, кўпни кўрган кишиларга ўхшаб илиқ таассурот қолдирди. Улар аввал Зокирни эркатой, пўк болаликда айблашди. Кимлардир «пишириб» олиш мумкинлигини айтиб ўтишни ҳам унутмади. Хуллас пули яхшининг ўзи ҳам яхши бўлиб, унга ишона бошладилар.

Навбатдаги рўйхатга Қосим ака тушди. Ҳовли, ҳовлимисан ҳовли, данғиллама, 8 хонали, хорижий жиҳозлар билан безатилган уй. Ҳаммаёқ Хадича опанинг тадбиркор бекаликлариданми файзли, саранжом-саришта. Қосим ака гўшт комбинатининг раҳбари. Хадича опа эса минг-минглаб гўдакларнинг дояси. Ўзлари доялик қилган барча гўдакларни танийдилар... Гўёки ҳамма нарса етарли, лекин бир кам дунё экан. Хадича опа Қосим аканинг қўшни тумандан ўн йиллар аввал бир жувонга уйланганлиги, уч фарзанди борлигини билади. Тўнғич фарзандни деярли Хадича опанинг ўзи тарбиялади...

Қосим ака исмини эшитган Зокир бир сакраб тушди. «Қўрқдингми, йигит!?» — таънали кесатиқдан кейин, «Битта маҳалладан бўлсак» дея олди.

— Биз ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаймиз. Фақат пул ва тилла асбоблар керак, шу холос. Кўча деворига чиқиб олсанг бас, ёнида олма дарахти бор. Ҳовлига шу дарахтдан тушасан. Икром ҳам сен билан бўлади. Керакли буюмларни оласану секин орқага қайтасанлар. Бор-йўқ иш шу. Қани олдик, омадларингни берсин. Ма, торт!.. Энди ишга киришинглар. Зокир, далда бўлади, мана буни ол.

Тўлин ойнинг шуъласини чўрт кесиб, олмос сопли совуқ пичоқ ярақлаб кетди...

«Чой қўйиб юборай, бугун ишга эрта кетмоқчи эдилар», деган хаёл билан Хадича опа ошхонага чиқди. Газни ёқиб чойгумни оловга қўйди. Шу тоб қулоғига қадам шарпалари эшитилгандек бўлиб, юраги шиғ этиб кетди. Кимдир яқинлашаяпти, ортга қаради. Нотаниш, юзига қора ниқоб тутган киши унинг рўпарасида тошдек қотиб турарди. «Нима қилай? Қочайми? Ҳозир бақиради. Кейин мени тутиб олишади. Ўлдирамanми? Йўқ! Ҳа! Йўқ, фақат пичоқ тиқаману қочаман». Оний лаҳзаларда пичоқ нишонга теккан эди. Ниқобга, кўзига сачраган иссиқ қондан сесканган қотил фақат бир сўзни «Ўлдириб қўйдим, ўлдириб қўйдим», дея такрорлаб ҳовлида гир айлана бошлади. Шерикларидан эса нишон ҳам йўқ. Бир пайт орқа томондан пешонаси аралаш кўзига кетмоннинг зарби келиб тушди. Қон аралаш кўзи очилмаган йигитнинг корачиқлари оқиб тушди...

Орадан икки ой ўтмай Қосим аканинг уйидан болаларнинг қийқириғи эшитила бошлади. Шинам уйлар болалари билан бозорга айланди, лекин нима учундир ҳовлидаги файз, фаришта йўқ, данғиллама уй ҳам нураб бораётган кулба мисол ғариб эди. Анча вақтгача эса «Номардга Хадича опа доялик қилган экан» деган гаплар қулоқдан-қулоққа чалиниб юрди.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.



*Она табиат қўйнида.*

*Ғазалхонлик*

## ГУЛ

*Гулзор сайрига бориб, терган чоғим даста гул,*
*Ҳар ён атрин таратиб, товланар ораста гул.*

*Оқ гулни бўйин олсанг, пушти гул жилва айлар,*
*Лола ранг либос кийган, қизили шикаста гул.*

*Саҳарлар бўлиб шайдо, булбул сайраса хушхон,*
*Гулғунча лаби хандон очилади аста гул,*

*Қизлар мисол иболи, кўнгил мисоли нозик,*
*Дилни дилга айлагай ҳамиша вобаста гул.*

*Замин бағрида яшнаб, илҳомланиб сабода,*
*Бири-биридан гўзал очилар навраста гул.*

*Хушбўй уфор таратиб, кўнгилларни яйратиб,*
*Камалакдек ранглари, товланар атласда гул.*

*Нозик гулбарглар асли нозанинга қиёсдир,*
*Маҳбубани маҳлиё этади бир даста гул.*

## БУ КУН ҲУКМИНГДА ОЛАМ

*Бу кун ҳукмингда олам, дунёни нурафшон қил,*
*Боғларни буркаб чаман, чўлларни гулистон қил.*
*Тоғ бошида оқ дурра, мағрур турар виқорли*
*Чаманзор эт бағрини, қир-адирни бўстон қил.*
*Шабнамда ювиб юзни қуёшни кутар майса,*
*Интиқ чечакларингга кел, меҳринг намоён қил.*
*Сарин сабо эркалар атир сочиб боғларни*
*Шабода, қанотингда гул атрини ларзон қил.*
*Сармастдир бу кун олам, фусункор соқий билан*
*Лоладан қадаҳ айлаб, оби-ҳаёт эҳсон қил.*
*Фараҳли, ҳаётбахшдир ҳар сония, ҳар лаҳза,*
*Ҳусну латофатингга Маҳбубани ҳайрон қил.*

Маҳбуба РАҲИМЖОНОВА.

